Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 64 (7204). • 2 апрель, 1980 йил • ЧОРШАНБА • Баҳоси 2 тийин.

МУНОСИБ БАҲО

ДОНО ДАРСЛИКЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари барча совет кишилари учун ҳаётнинг доно дарсликлари бўлиб қолди. Бу асарларнинг ҳар бир жумласи, ҳар бир сўзи олам-олам мазмунга эга. Қайта-қайта ўқинганинг сари янги-янги қирралари кўз олдингда намоён бўлади. Бу ажойиб китоблар барча совет халқини коммунистик жамият қуриш йўлидаги яратувчилик меҳнатида янги-янги зафарларга, улкан ишларга чорламоқда.

Барча совет кишилари қатори республикамиз кочегаркаси ҳисобланган ангренлик шахтёрлар ҳам ана шу китоблар учун азиз Леонид Ильич Брежневга Ленин мукофотининг топширилишини бир овоздан маъқуллашмоқда. Жаҳонда тинчлик учун оташин курашчи, замонамизнинг доно давлат арбоби Леонид Ильич Брежневга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, КПСС ва Совет давлатига раҳбарлик қилиш ва ижодий меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Х. АЛИҚУЛОВ,
Ангрендаги кўмир разрези экскаваторчилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЖУДА ҚИММАТЛИ ТАЖРИБА

Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» каби улкан асарлари босқичма-босқич чиқиши мамлакатимиз ва бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу ажойиб асарлар кўп қирралиги, чуқур мазмундорлиги билан совет кишилари учун ҳаёт дарсликлари бўлиб қолди. Л. И. Брежнев асарлари коммунизм қурувчи совет халқи учун буюк дастуруламалдир.

Совет кишилари бу китобларни зўр қизиқиш билан илҳомланиб ўқимоқдалар. Бу асарларда социализм қурилишининг энг муҳим босқичлари гоят ифодали қилиб тасвирланган. Совет турмуш тарзимиз, қаҳрамон кишиларимиз образлари зўр меҳр-муҳаббат билан кўрсатилган.

Партиямизнинг атоқли, сиёсий ва давлат арбоби Л. И. Брежневга Ленин мукофоти топширилганлиги ҳаммамиз учун кувончли воқеадир. Биз мукофотни топшириш чоғида ўртоқ Брежневнинг сўзлаган нутқини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, биз ўзимизнинг жами ижодий меҳнатимизни янги авлодларга қолдиришимиз лозим.

Мен ҳамма ҳамкасбларим номидан улуғ устоз, қадрли Л. И. Брежневни юксак унвон билан чин кўнгилдан мубораклаб этаман.

М. МАСТОНОВ,
халқ маорифи аълочиси.

ПИЛЛАМИЗ—ТИЛЛАМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этга бориб, пилла етиштириш ва тайёрлашни йилдан-йилга кўпайтириб бормоқдалар. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида қабул пунктларига 8 минг тонна ёки ҳарид қилиш ҳажмида белгиланганидан 1,4 минг тонна кўп пилла етказиб берилди. Ғалаба, Янгийўл районлари ҳамда областнинг 49 хўжалиги ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар, Ўтган йили область пиллакорлари биринчи марта 2148 тонна пилла тайёрладилар. Ҳар қути қурт уруғидан 69 килограммдан «кумуш тола» олинди.

Область пиллакорлари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) ва ноябрь (1979 йил) Пленумлари қарорларига жавобан ҳамда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ипак қурти боқиш мавсумига уюшқоқлик билан ҳозирлик кўриш ва уни намунали ўтказиш учун курашмоқдалар. Улар давлатга юқори сифатли пилла сотиш бўйича 1980 йилги социалистик мажбуриятлари ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш чораларини кўришмоқда.

Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозидан Тўлаган Юсупов, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозидан Абдусоли Эшназаров, Паркент районидаги Энгельс номли совхозидан Фарида Каримовалар бошлиқ бригадалар, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозидан Булан Аҳмедова, Калинин районидаги Калинин номли колхоз пиллачилик комплексидан Ҳолиса Ҳасанова, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозидан Пернаш Алметовалар бошлиқ звенолар коллективлари ҳамда пиллачилардан Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозидан Шарофат Икромова, Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхозидан Азбуви Муротова, Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозидан Заурия Сидиқова, Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозидан Турсун Сандёқубовалар пилла етиштириш ва унинг сифатини ошириш учун мусобақалашиб, қимматли ташаббус билан чиқдилар. Улар ҳар қути қурт уруғидан бригадалар бўйича — 83—95 килограммдан, звенолар бўйича — 105—110 килограммдан ва пиллачилар 110—122 килограммдан пилла олишга қарор қилдилар.

Областнинг илғор пиллакорлари ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланиш чораларини кўрмоқдалар.

Область партия комитети Т. Юсупов, А. Эшназаров, Ф. Каримова, Б. Аҳмедова, Х. Ҳасанова, П. Алметова, Ш. Икромова, А. Муротова, З. Сидиқова, Т. Саидёқубова ўртоқларнинг ҳар қути қурт уруғидан бригадалар бўйича 83—95, звенолар бўйича 105—110 ва пиллачиларнинг 110—122 килограммдан пилла олиш учун оммавий социалистик мусобақани авж олдириш соҳасидаги ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалиги ва пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташсадвинсовхоз» трести, колхоз ва совхозлар партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига:

— илғор бригада, звенолар коллективлари ва пиллачиларнинг қимматли ташаббусини кенг муҳокама қилиш;

— пиллачилар ўртасида мўл пилла етиштириш учун оммавий социалистик мусобақани кенг авж олдиришга қаратилган ташкилотчилик ишларини кучайтириш;

— оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган бригада ва звенолар коллективларига пилладан мўл ҳосил олишлари учун ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш;

— ипак қурти боқишга фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибани кенг жорий этиш юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радио эшиттириш бош редакцияларига пиллачиларнинг 1980 йилда мўл «кумуш тола» етиштириш учун социалистик мусобақасини кенг ёритиш топширилди.



Тўлаган ЮСУПОВ,
Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг пиллачилик агротехник — бригадири.

— КОЛХОЗИМИЗ пиллакорлари «кумуш тола» етиштиришда районимизда илғорлардан ҳисобланишади. Улар йил сайин пилла ҳосилдорлигини ошириб, давлатга «кумуш тола» сотишни кўпайтириб бормоқдалар. Шу туфайли беш йиллик план тўрт йилда адо этилди.

Ўтган йили рекорд натижага эришилди. 173 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 93,5 килограммдан пилла олинди. Бу йил эса ҳосилдорликни яна 2 килограммга кўпайтириш юзасидан социалистик мажбуриятни қабул қилинди. Бунинг учун етарли резервларга эгамиз. Колхозимизда бир қути қурт уруғидан 100 килограммдан ошириб пилла олаётган илғорлар кўп. Гулбиби Сайфуллаева, Баҳор Бердибоева, Тошгул Собировалар шулар жумласидандир. Уларнинг бой тажрибалари хўжалигимиз пиллакорлари орасида кенг ёйилмоқда.



Абдусоли ЭШНАЗАРОВ,
Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз пиллачилик агротехник — бригадири.

— ХЎЖАЛИГИМИЗ пиллакорлари беш йилликнинг тўртинчи йилини юксак кўрсаткичлар билан якунладилар. Давлатга 26,7 тонна пилла сотилди. Бу 1978 йилдагидан 3,7 тонна кўпдир. Ҳар қути қурт уруғидан 94,3 килограммдан қимматбаҳо хомашё олинди.

Пиллакорлар учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Жумладан, махсус тузилган бригада аъзолари пиллакорларга ўз вақтида тут барги етказиб берадилар. Шунинг учун ҳам кўплаб колхозчилар икки-уч қутидан қурт уруғи парваришини қилиб, юқори ҳосил олмоқдалар. Масалан, Мухаррам Умаралиева, Қурбоной Файзиева, Умри Ҳидирова сингари илғор пиллакорлар ҳар қути уруғдан 126—135 килограммдан «кумуш тола» олмоқдалар.

Бу йил колхозимиз аъзолари ҳар қути уруғдан ўртача 95 килограммдан пилла олишга аҳд қилдилар.



Фарида КАРИМОВА,
Паркент районидаги Энгельс номли совхоз пиллачилик агротехник — бригадири.

— СОВХОЗИМИЗ тоғолди зонасида жойлашган. Тут туфайли пилла етиштиришни кўпайтириш учун, энг аввало, тут дарахтларига эътиборни кучайтирамиз. Ўтган йил кузда 5 минг тупдан кўпроқ тут кўчати ўтқаздик.

Озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида кўраётган тадбирларимиз ҳосилдорликни ошириш имконини бермоқда. Масалан, ўтган йили ҳар қути уруғдан 79 килограммдан пилла олинди. Бу бизнинг зонамиз учун анча дурст ҳисобланади.

Хўжалигимизда давлатга пилла сотиш беш йиллик плани тўрт йилда бажарилди. Бу йил 1982 йил ҳисобига меҳнат қиламиз. Ўтган йилдагига нисбатан 4 қути кўп пилла қурти парваришлаб, ҳар қути уруғдан олинадиган ҳосилни 80 килограммга етказамиз, давлатга 4,8 тонна сифатли хомашё топшириб, В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб оламиз.



Булан АҲМЕДОВА,
Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз пиллачилик звеноси бошлиғи.

— СОВХОЗИМИЗ пиллакорлари бир неча йиллардан бери район хўжаликлари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Коллективимиз пилла етиштириш ва давлатга сотиш беш йиллик планини муддатидан илгари тўрт йилда бажарди. Тайёрлов пунктларига пландаги 33,1 тонна ўрнига 37,3 тонна «кумуш тола» етказиб берялди.

Бизнинг звеномиз ҳам мунтазам юқори кўрсаткичларга эришаётир. Ўтган йили икки қути қурт уруғидан 208 килограмм пилла олган эдик. Айни кунларда мавсумга пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Зарур жиҳозлар келтириб қўйилмоқда. Қурт боқиладиган хоналар тартибга келтирилмоқда.

Бу йил биз оширилган мажбурият қабул қилдик. Ҳар қути қурт уруғидан 110 килограммдан пилла оламиз. Бу ўтган йилдагидан 6 килограмм кўпдир.



Ҳолиса ҲАСАНОВА,
Калинин районидаги Калинин номли колхоз пиллачилик комплекси звено бошлиғи.

— ПИЛЛАЧИЛИК комплексида ишлаётганимга эндигина икки йил бўлди. Илгари эса хонадонда қурт боқардик. Мен ўзимнинг шахсий тўрт йиллик планимни 158 процент қилиб бажардим.

Пиллачилик комплексимизда барча ишлар намунали йўлга қўйилган. Бу ерда ҳар бир пиллакор 6 қутидан қурт уруғини парвариш қиладн. Бу анча мураккаб, албатта. Шунга қарамай, ўтган йили биз ҳар қути уруғдан 97 килограммдан пилла олиб, зиммамиздаги вазифани муваффақиятли бажардик. Планга қўшимча давлатга 154 килограмм хомашё топширдик.

Бу йил биз бой тажрибамизга таяниб, 6 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 105 килограммдан пилла олишга қатъий қарор қилдик. Бу билан биз давлатга қарийб икки йиллик план миқдорида қимматли хомашё топширишга эришамиз.



Пернаш АЛМЕТОВА,
Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози пиллачилик звеноси бошлиғи.

— ЗВЕНОМИЗ аъзолари беш йилликнинг якунловчи йилида 2,5 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 120 килограммдан пилла олиб, давлатга икки йиллик планда белгиланганидан кўпроқ хомашё топшириш мажбуриятини олганлар. Бундай маррани эгаллаш учун реал имкониятларга эгамиз. Сўнгги йилларда бу соҳада катта тажриба тўпланган.

Кейинги икки йил ичида давлатга пландан ташқари 240 килограмм пилла топширдик. Беш йиллик планни эса ҳозирданоқ 142 процент қилиб бажариб қўйганмиз. Ҳар қути қурт уруғидан олинаётган йиллик ўртача ҳосилдорлик 105 килограммни ташкил этаётир.

Биз янги мавсумни ҳар томонлама пухта кутиб олмоқдамиз. Зарур жиҳозлар келтирилган. Пилла хоналар ремонт қилиб қўйилган.



Шарофат ИКРОМОВА,
Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз пиллакори.

— Бу йил мен 1981 йил ҳисобига пилла топшираман. Маҳсулдорликни оширишга эришганлигим беш йиллик планини муддатидан илгари бажаришимга имконият яратди. Ўтган йили ҳар қути-қурт уруғидан 96 килограммдан, яъни колхознинг ўртача кўрсаткичидан 22 килограмм кўп пилла олдим.

Социалистик мусобақа пилла етиштиришни кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мен кўп йиллардан бери Ҳусния Қосимова, Сажи Марипова сингари уста пиллакорлар билан мусобақалашиб ишламоқдаман. Улар ҳам мен сингари ҳар йили 1,5 қути пилла қурти парвариш қилиб юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бу йил биз учала мусобақадош ўзаро маслаҳатлашиб, ҳар биримиз бир қути уруғдан 150 килограммдан «кумуш тола» олишга аҳд қилдик.



Азбуви МУРОТОВА,
Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхози пиллакори.

— ПИЛЛАЧИЛИК қишлоқ хўжалигида маҳсулот энг тез пишиб етиладиган тармоқлардан ҳисобланади. Ипак куртини парвариш қилиб пилла етиштириш узоқ давом этмайди. Бироқ бу жараён кўп меҳнат талаб қилади. Чунки ипак қурти жуда яхши шароит ҳамда кечаю-кундуз тинимсиз парвариш қилишни талаб этади.

Мен пиллачиликда кўп йиллик тажрибага эгаман. Шунинг учун ҳам йилига ҳар қути қурт уруғидан 120—130 килограммдан пилла олаётирман. Ўтган йили эса бу кўрсаткични 137 килограммга етказиб рекорд натижага эришдим. Давлатга пилла топшириш беш йиллик планини колхозимизда биринчилар қатори бажардим.

Бу йил ўз олдимга янада улкан вазифалар қўйганман. Ҳар қути қурт уруғидан камида 140 килограммдан пилла олишга аҳд қилдим.



Заурия СИДИҚОВА,
Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз пиллакори.

— ҚАРИБ 30 йилдан бери ипак қурти парвариш қилиб келаман. Хўжалигимизда пилла етиштириш йил сайин кўпайиб борялти. Сўнгги йилларда айниқса, кескин ривожланишга эришилди. Ўтган тўрт йил ичида давлатга пилла сотиш беш йиллик плани 94 процент бажарилди. Ўтган йили эса ҳар қути қурт уруғидан 73,6 килограммдан пилла олиндн.

Бироқ бу чегара бўлолмади. Масалан, мен бир қути қурт уруғдан 122 килограммга етказиб пилла олдим. Уч йил давомида давлатга пилла топшириш беш йиллик планимни бажариб, бу йил 1984 йил ҳисобига пилла топшираман.

Бу йилги мавсумда мен 2,5 қути қурт уруғи парвариш қилиб жами 325 килограмм пилла етиштириш юзасидан социалистик мажбурият олганман. Бу билан ўн биринчи беш йиллик планимни ҳам бажараман.



Турсун САИДЁҚУБОВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз пиллакори.

— ЎНИНЧИ беш йиллик бошида ўз зиммамга юксак социалистик мажбурият қабул қилиб, шу беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга сўз бергандим. Ўз сўзимда қатъий турибман. Ҳар йили икки йиллик планни бажаришга эришмоқдаман. Бу йил эса 1985 йил ҳисобига пилла топшираман.

Бундай муваффақиятларга ипак қурти парвариш қилишнинг илғор технологиясини жорий этиш ҳисобига эришмоқдаман. Ҳар йили 1,5 қути қурт уруғи боқиб 160 килограммдан оширнб пилла топширмоқдаман. Ўртача маҳсулдорлик 108 килограммга тўғри келмоқда.

Бу йил янги марраларни кўзламоқдаман. Ҳар қути қурт уруғидан камида 110 килограммдан пилла олиб, давлатга 165 килограмм юқори сортли хомашё топшираман.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

ҚИЗҒИН

ТАЙЁРГАРЛИК

Р. Мусамуҳамедов номли совхоз-заводнинг азамат меҳнаткашлари доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги олдидан ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар 19 апрель куни қилинадиган ишларни ҳозирданоқ белгилаб қўйишган.

Қизил шанбаликда хўжаликнинг 400 нафар аъзоси иштирок этиб, улар узумларни очиш ва симбағазларга кўтариш ишлари билан шуғулланадилар. Ҳар бир ишчи кунлик шахсий нормасини икки ҳиссадан ошириб бажаришга аҳд қилган. Бундан ташқари ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш ишлари амалга оширилади. Шу куни тушадиган маблағнинг бир қисми эса беш йиллик фондига ўтказилади.

МЕҲНАТ БАЙРАМИДА

Москваликларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган район матлубот жамиятлари союзининг ходимлари ва ишчилари ҳам 19 апрель куни бажариладиган иш режаларини тузиб қўйишди. Меҳнат байрамида бэрча ишчи-хизматчилар иштирок этади, 500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади. Ободонлаштириш ишлари бажарилади. Бундан ташқари 3400 сўмлик нон булочка ва ширинлик маҳсулотлари тайёрланади. Шу куни тушган маблағнинг бир қисми беш йиллик фондига ўтказилади.

Қ. МУЛЛАБОЕВ.
Оржоникидзе райони.

ЧИГИТ ЭКИШ ЭКИПАЖЛАРИ КОНКУРСИ

СОЛДАТСКОЕ. (Телефон орқали олинди). Кеча «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Дўстлик бўлимида Ғалаба районн механизаторларининг кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Конкурсда «Заря коммунизма» колхозининг механизатори Абдуқодир Жуманазаров биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймонов ва Димитров номли колхознинг механизатори Василий Шинлар бошлиқ экин экинлаҳлари олишди.

Чигит экиш арафасида ўтказилган бу мақорат синови район механизаторларининг масъулиятли мавсумга пухта ҳозирлик кўрганликларини кўрсатди.

Э. БУТУНБОЕВ.

ҚЎЙ КЕЛАДИ ҚЎЗИ БИЛАН

Совхозимиз чўпонлари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашиб, қўйлар сонини кўпайтирнш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш чораларини кўрмоқдалар. Улар бу йил кўзилатиш мавсумини, айниқса, муваффақиятли ўтказмоқдалар. Шу туфайли ҳозирнинг ўзида кўзи олиш плани муваффақиятли адо этилди. Чўпонларимиз совлиқлардан 15 минг бош соғлом кўзи олишга эришдилар.

Хўжалигимизнинг моҳир чўпонларидан Т. Таттибоев, М. Адеев, А. Алқабоев, А. Аҳмедов, М. Ёқубовлар кўзлаштириш мавсумини, айниқса, уюшқоқлик билан ўтказаётирлар. Улар ҳозиргача ҳар 100 бош совлиқ ҳисобидан 118—125 бошдан кўзи олдилар.

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга аҳд қилган совхозимиз чўпонлари ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан кўзи олишга қарор қилдилар. Оталарда кўзилатиш мавсуми қизғин давом этмоқда.

А. БАКИРОВ.
Калинин районидаги Охунбобоев номли совхознинг директори.

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАР ВА БОҒБОНЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

400 ЦЕНТНЕР УЧУН

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг асосчиси доҳий В. И. Ленининг 110 йиллик юбилейи йилида мўл сабзавот маҳсулотлари, картошка, мева ва узум етиштириш ташаббусини бошлаб берган областимизнинг донгдор деҳқон ва соҳибкорлари даъвати районимиз меҳнаткашлари, шу жумладан бригадамиз коллективи томонидан ҳам якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Улар бу ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида сабзавот ҳосилдорлигини кескин оширишга қарор қилишган. Деҳқонларимиз бу йил суғориладиган майдонларнинг ҳар қаричидан, ўғитдан, техника воситаларидан самарали фойдаланиш ҳисобига гектаридан 400 центнердан сабзавот маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олдилар.

Бригадамиз аъзолари бу юксак маррани шараф билан эгаллаш учун фидокорона меҳнат қилаяптилар. Биз ҳозирги кунларда эртаки экинлар парваришини илғор агротехника қоидаларн асосида олиб бораётирмиз. Деҳқонларимиз мўл сабзавот маҳсулотларн етиштириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

П. БОЙНАЕВ,
Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхознинг бригада бошлиғи.

ЮКСАК МАРРАЛАР

Областимиз илғор сабзаворкор ва боғбонларининг ватанпарварлик ташаббуси бригадамиз коллективининг ҳам меҳнат ғайратини жўш урдириб юборди. Улар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида сабзавот экинларн ва картошкадан мўл ҳосил етиштириш, ҳалқимиз дастурхонини ноз-неъматларга тўкин қилишга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилдилар.

Бригадамиз деҳқонлари бу йил ҳар гектардан 400 центнердан ҳосил олиб, давлатга пландаги 1240 тонна ўрнига 1560 тонна сабзавот маҳсулотлари сотиш мажбуриятини олганлар. Шунингдек, ҳар гектар майдондан 180 центнердан картошка етиштиришни ҳам мўлжалламиз. Биз хўжаликда биринчилар қатори 11 гектар майдонга эртаки картошка экиб бўлдик. 12 гектар ерга экилган эртаки карамга биринчи ишлов бериш тугалланди. Шунингдек, 11 гектар майдондаги август пиёзини ўтқдан чиқардик. Бундан бўён ҳам сабзавот экинлари ва картошка парваришини илғор агротехника қоидалари асосида олиб борамиз. Юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Бригадамиз аъзолари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1980 йилда дағал ва ширадор ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорига жавобан чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлашга ўз улушларини қўшиш учун курашмоқдалар. Биз бу йил тутзорлар орасида ва бошқа фойдаланилмайдиган жойларда озуқа экинлари етиштиришни йўлга қўямиз. Шу ҳисобга чорва моллари учун камида 50 тонна ем-хашак жамғариб берамиз.

Юксак марралар масъулиятн бригадамиз деҳқонларини фидокорона меҳнатга чорлаяпти. Улар оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун астойдил курашадилар.

М. ХОЖИЕВ.
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи.



Социалистик мусобақа кундалиги



ҚУРИЛИШ ишларида москвалик илғор қурувчи Николай Злобиннинг бригада пудрати усулини жорий этиш муваффақиятлар гарови эканлиги тажрибада ўзини кўрсатди. Биз ҳам бу усулда ишлаб, янги-янги меҳнат зафарларини қўлга киритяпмиз.

Бригадамиз коллективи айни кунларда В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг реконструкциясида қатнашяпти. Биз доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдиряпмиз. Бригадамиз аъзолари билан бамаслаҳат бу шонли санагача олти йиллик планни бажаришга қарор қилдик. Эрта-индин бу марра забт этилади.

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

МУҲИМ ТАДБИР

Кўчма механизациялашган колоннамиз коллективи коммунистик шанбаликда ҳам катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга бел боғлаган. Жумладан, 225 кубометр бетон ётқизилади, 150 квадрат метр ойна ўрнатиш ишлари бажарилади. 22 кубометр гишт терилади, 900 квадрат метр пардозлаш ишларини амалга оширилади.

М. ИЛЄСОВ,
«Алмалиқсвинецстрой» трести 344-кўчма механизациялашган колоннасининг бригадири.

1981 ЙИЛ ҲИСОБИГА

ЛЕНИНЧАСИГА, ЗАРБДОРЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Республикамизнинг пойтахт области ва тўқимачилик ўлкаси ҳисобланган Иваново области меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақа йилдан-йилга авж олмоқда. Халқларимизнинг бу жажибо анъанаси янги шакл ва мазмун билан бойимоқда. Сўнгги йилларда турдош корхоналар коллективларининг меҳнат жабҳасидаги беллашуви кенг йўлга қўйилаяпти. Бу ватанпарварлик ҳаракатида бизнинг коллективимиз ҳам иштирок этяпти.

Бирлашмамиз коллективи «Иваново» мебел ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ҳамкасблари билан мусобақалашмоқдалар. Ҳалол, бегараз беллашув давомида бир-биримизда бўлган янгиликлар, илғор иш усуллари ва прогрессив технология чуқур ўрганилмоқда. Уларни қўлланишда ҳар томонлама кўмаклашяпмиз. Бу ҳар бир коллектив фаолияти кўрсаткичларининг яхшиланишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Корхонамиз меҳнат аҳлининг эришаётган ютуқларида буни яққол кўрса бўлади. Давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар ҳар йили тўла ва зиёдаси билан бажарилмоқда. Айниқса, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили жуда самарали бўлди. Коллективимиз мамлакатдаги турдош корхоналар социалистик мусобақасида мукофотли ўринни эгаллади.

Масалан, ўтган йилнинг учинчи ва тўртинчи кварталлари якунларига кўра бирлашмамиз Бутуниттифоқ мебел саноати ходимлари мусобақаси голиби деб топилди. Корхонамизга СССР ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги ҳамда тармоқ касаба еюзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, биринчи даражали дипломи ва пул мукофоти берилди. Шунингдек, Собир Раҳимов район саноат корхоналари коллективларининг социалистик мусобақасида ҳам бир квартал давомида энг яхши кўрсаткичга эришдик. Ўтган йил тўртинчи кварталда катта меҳнат муваффақиятларига эришган бирлашмамиз номи республика пойтахти Ҳурмат тахтасидан ўрин олди.

Коллектив ўртасида социалистик мусобақанинг авж олиши, мамлакатимиз ва халқимиз тарихидаги турли саналарни муносиб нишонлаш учун курашнинг кун сайин қизиб бориши, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича кўрилган тадбирлар ҳам ютуқларимиз салмоқли бўлишига ёрдам берди. Ўтган йили маҳсулот реализация қилиш плани муддатидан етти кун илгари адо этилди. Қўшимча реализация

ТОШКЕНТ — ИВАНОВО

қилинган уй жиҳозлари бир миллион 695 минг сўмликни ташкил этди. Маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам сезиларли силжиш бўлди. Давлат Сифат белгиси билан салкам 5 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилдик. Унинг деярлик 1 миллион сўмлиги пландагига қўшимча бўлди. Меҳнат унумдорлиги белгиланганига нисбатан 2,5 процент ошди. Қўшимча 70 минг сўм фойда олинди.

Бирлашмамизда бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий нормасини бажариш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракати иштирокчилари меҳнатда ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Уз касбини улуғлаб, кўз-кўз қилаётган бундай мебелсозлар коллективимиз фахри, ғурури ҳисобланади.

Дурадгор Шавкат Шоёқубов, сайқалчи Мария Ляпина, ёш ишчиларнинг мураббийси Валентина Тараторова ва бошқа 20 ишчи шулар жумласидандир. Улар зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар.

Шу кунларда 1983-1984 йиллар ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Бундан ташқари корхонамизнинг 80 га яқин ишчиси беш йиллик нормасини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. 250 мебелсозимиз шахсий беш йиллик топшириғини улуғ доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги кунигача бажариш ҳақида берган ваъдаларининг устидан чиқишяпти.

Коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам юксак меҳнат зафарларига эришиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқда. Биз умуман ўнинчи беш йиллик планини узоғи билан 3 декабргача бажариш ва қўшимча 2 миллион 845 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, 1980 йил планини эса муддатидан илгари 25 декабргача уддалашга аҳд қилдик. Айни вақтда давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган мебель ҳажми барча маҳсулотнинг 13,5 процентигача етказилади.

Шу йилнинг ўтган икки ойидаги меҳнатимиз натижаси ҳам кўнгилдагидек бўлди. Шу давр ичида салкам 7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу билан план 102 процент қилиб адо этилди. Мебел ишлаб чиқариш бўйича эришилган даража 104,3 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги белгиланганига нисбатан 4,3 процент ошди. Бирлашмамизга қарашли барча фабрика ва цехлар икки ойлик планни тўла ва зиёдаси билан адо этдилар.

Биз муваффақиятлар гарови бўлган социалистик мусобақани ва ивановолик ҳамкасбларимиз билан кенг йўлга қўйилган ҳар соҳадаги ҳамкорликни бундан буён ҳам бўшаштирмай давом эттирамиз.

Б. МИРЗАЖОНОВ,
«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлими мудири.



ТАШАББУСКОРЛАР ҲИСОБ БЕРАДИ

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛИБ

САМАРАДОРЛИК ва сифат беш йиллигининг сўнгги йили шахдам қадамлар билан одимламоқда. Беш йиллик интиҳосига яқинлашган сари, ҳар бир коллектив, ҳар бир киши ўз мажбуриятлари қандай бажарилаётгани ҳақида ўзига ҳисоб бериши табиий. Бу йил мен учун қувончли келди. Йилнинг дастлабки ойида, аниқроғи 24 январда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажардим. Менга бу ҳушхабарни план бўлимидан айтиб табриклаганларида ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Чунки, беш йиллик бошида мана шундай марра белгилаганимда ўзим ҳам бироз чўчиган эдим.

Кейинги ҳаракатлар ва тадбирлар барчаси ана шу сал чўчиш туфайли вужудга келган масъулият ҳиссини янада кучайтириб, ваъдага вафо қилишга қаратилди. Бунинг учун аввало меҳнат интизомига қатъий риоя қилиб, ҳар бир минутдан рационал фойдаланиш, юк ташишда илғор иш усулларини қўллаш, машиналарнинг доимо йўлга шай ҳолда бўлишини таъминлаш ва бригаданинг барча аъзоларига аввало шахсий намуна кўрсатишга тўғри келди. Шахсий намуна — тарбиянинг, коллективни илғорликка ундашнинг энг синалган усули. Бошлиқ одамнинг гапи билан иши мутаносиб бўлмаса, унинг барча ҳаракатлари беҳуда кетади.

Ниҳоят, йил бошида икки беш йиллик шахсий планимни бажариб, бу ваъдани муддатидан деярли бир йил илгари ўрнилатдим. Тўрт йилу 24 кун ичида жами 550 минг тонна оҳактош ташидим. Бу юк оборотини план 1 миллион 100 минг тонна километр деган гапдир. Ийл охиригача яна пландагига қўшимча 50 минг тонна оҳактошни норуда материаллар комбинатига етказиб беришга аҳд қилдим.

Бригадамиз коллективи ҳам графикдан ўзиб ишлаб, ўнинчи беш йиллик планини 4,5 йилда бажариш юзасидан олган мажбуриятни муддатидан илгари адо этишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозир коллективимиз 1980 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

Бригадамизда яхши ўртоқлик, дўстона шароит вужудга келган. Муваффақиятларимизнинг беш омилини мана шунда деб биламиз. Шунингдек, бригададаги 20 кишининг ҳар бири ўзаро мусобақалашиб, зиммасига шахсий мажбурият қабул қилиб ишлаяпти. Бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий планини бажаришга ваъда берган Турсун Умаров, Зуфар Исҳоқов каби илғор шофёрлар доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача ана шу юксак мажбуриятни адо этишмоқчи. Шунингдек, Василий Скрипников, Яхё Муродасилов каби илғор шофёрлар ҳам шахсий меҳнат беллашувининг олдинги сафида бормоқдалар. Ана шундай илғорлар ва бригада барча аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли бешйилликнинг тўрт йилу икки ойида 6 миллион 116,2 минг тонна оҳактошни корхонага етказиб бердик. Пландагига қўшимча яна 605 минг тонна юк ташиб бериш мажбуриятини олганмиз. Мана шундай катта миқёсдаги юкларни ташишда бригадамизга бириктирилган мавжуд 10 та «КРАЗ» машиналаридан унумли фойдаланиш, уларни эксплуатация қилишда энг самарали усулларни қўллаш зафарлар омили бўляпти.

Коллективимиз фақат Бекободда ёки пойтахт областида эмас, балки бутун республикада таниларли моҳир шофёр, республика юк автотранспортида бригада пудратини жорий этишнинг ташаббускори Ҳабибулла Абдужабборов бошлиқ бригада билан мусобақадош эканлиги билан фахрланаман. Бу мусобақа ҳар иккала коллективга улкан меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Биз ўз ишимиз ва фаолиятимиз билан «Министрликнинг энг яхши бригадаси» деган шарафли номни ҳамиша оқлайверамиз.

Н. КИМ,
ЎзССР Автомобиль транспорти министрлигининг Бекободдаги 16-автокорхонаси бригада бошлиғи, фахрий автомобилчи.

ЗЛОБИНЧИ БРИГАДАЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

КАСБИМИЗ яратувчилик. Ўз меҳнатимиз билан қишлоқларимиз жамолини очишга ҳисса қўшяпмиз. Қишлоқларда ҳудди шаҳардагидек янги-янги биноларни барпо этиш, истиқомат қилиш учун барча қулайликлари бўлган уйларни қуриш ҳар биримизга олам-олам қувонч бахш этади.

Ишимизнинг масъулияти ҳам каттадир. Биноларни тез ва сифатли қуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, шарафли вазифамиздир. Бунга амал қилиш учун бутун тажрибамиз, билимимиз ва маҳоратимизни алмай меҳнат қиляпмиз. Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдамиз. Областимиздаги 20 илғор пудратчи бригадалар коллективларининг мурожаати бу соҳадаги куч-ғайратимизни янада авж олдириб юборди. Ташаббускорлар қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳаражатларни камайтириш юзасидан аниқ марралар белгилашди. Биз ҳам илғорларнинг бу ташаббусига қўшилишга қарор қилдик. Қурилиш суръатини жадаллаштиришга ёрдам берадиган янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга соламиз. Биринчи квартал планини икки ойда бажарган эдик. Иккинчи квартал топшириғини ҳам муддатидан бир ой илгари бажарамиз. Янги мактаб биносидаги қурилиш-монтаж ишларини барвақт тугатамиз. 32 квартирали янги уйни ҳам муддатидан анча илгари фойдаланишга топширамиз.

Қ. САМБЕТОВ,
23-қурилиш трести алобинчи бригадаси бошлиғи.



Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига бошланган мусобақа тобора авж олмоқда. Унда иштирок этаётган кўплаб трикотажчилар юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Тўқувчи, коммунистик меҳнат зарбдори З. Голубова ҳам унумли ва сифатли меҳнат қилмоқда. Шу кунларда у ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлаяпти.

М. Нуриддинов фотоси.



Оҳангарондаги «Сантехлит» заводининг штамповчиси Зарифа Пардаева ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Шу кунларда у зиммасига оширилган мажбурият олиб ишламоқда. В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигигача яна ярим йиллик норма ни бажариш учун фидокорона меҳнат қиляпти.

В. Сироткин фотоси.

КОЛОҚ КОРХОНАЛАР

БЕКОБОД ЦЕМЕНТ КОМБИНАТИ

Бу корхона маҳсулотларини қурилишларда сабрсизлик билан кутишади. Чунки, коллектив қатор бинокорлик материалларини ишлаб чиқаради. Қурилиш нони деб аталувчи цемент, асбо-цемент қувурлари, шифер барча бунёдкорлик ишлари учун сув билан ҳаводек зарур.

Шундай экан, комбинат коллективи қандай ишлаяпти, белгиланган миқдордаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаяптими, деган савол туғилади ҳақли равишда. Афсуслар бўлсинки, корхона коллективи зиммасидаги шу муҳим, айни вақтда масъулиятли ва шарафли вазифани кўнгилдагидек бажармаяпти. Айниқса, сўнгги йилларда анча зулфинларининг тез-тез бузилиб туриши, цемент ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини бермаяпти. Ҳатто ишлаб чиқаришнинг ҳар бир звеносида ҳам ер чизиб қолди. Давлат планини бажарилмади. Қурилишларга цемент, шифер, асбоцемент қувурлари белгиланганига нисбатан анча кам етказиб берилди.

Комбинат ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилини ҳам яхши бошламади. Ишлаб чиқаришда, план топшириқларини бажаришда ҳеч қандай силжиш бўлмади. Қолоқлик ҳамон давом этмоқда. Ўтган икки ойда комбинат бўйича пландагига нисбатан 244 минг сўмлик маҳсулот кам реализация қилинди. Бу ўтган йилги камчиликлар бартараф этилмагани, қолоқликка хотима бериш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмаганлигидан далолат бериб турибди.

Комбинат ишлаб чиқаришининг қатор участкаларида ҳамон қониқарсиз ишламоқда. Технология жараёнларига риоя қилмаслик, интизомнинг бўшлиги, мавжуд техника воситаларидан фойдаланишдаги нуқсонлар, техника қаровининг пухта ташкил этилмаганлиги ва бошқа шу каби камчиликлар коллектив фаолиятига салбий таъсир қилмоқда.

Цемент ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё клинкер белгиланганича тайёрланмаяпти. Хомашё бўлимининг бир маромда ишламаслиги, шлам сурма зулфинларининг тез-тез бузилиб туриши, шлам насослари учун эҳтиёт қисмларининг етарли тайёрлаб қўйилмаганлиги шундай аҳволнинг содир бўлишига олиб келаётган асосий сабаблардир.

Насосларнинг иш вақтида тез-тез бузилиши оқибатида шламни айланувчи печга узатишда узилишлар содир бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида айланувчи печлар иши технологиясини бузмоқда. Ҳатто унинг ўтга бардош деворлари бузилиб кетмоқда. Уни бартараф этиш эса ортиқча вақт ва ишчи кучи сарфлашга мажбур қилмоқда. Клинкер тайёрлаш планини бажарилмагани учун тегирмонда цемент тортиш топшириғи тўла уддаланмади.

Шифер ишлаб чиқариш линияси ҳам тез-тез тўхтаб қолаяпти. Уни бошқараётган ишчи-хизматчилар малакаси талаб даражасида эмас. Шундай бўлишига қарамай комбинат раҳбарлари уларнинг техник билим даражасини ошириш, илғор иш усулларини ўргатиш бўйича ҳеч қандай чора кўришмаяпти. Бу технологик линия машина-механизмлари учун эҳтиёт қисмларининг камлиги ҳам ишнинг белига тепмоқда. Чунки, кичик бир деталнинг йўқлиги ёки етишмаслиги сабабли асбоб-ускуналар кўп вақт тўхтаб қолаяпти.

Корхона раҳбарлиги қолоқликни тугатамиз деб бир неча бор ваъда берди. Лекин, ваъданинг устидан чиқилмаяпти. Ваъдабозликка чек қўйиб, ишлаб чиқаришни яхшилаш учун барча зарур тадбирларни амалга ошириш керак. Чунки, қурилишлар цемент, шифер, асбо-цемент қувурлари кутмоқда. Шундай материалларга белгиланган миқдорда биноқорларга етказиб бериш — комбинат коллективининг муқаддас бурчи, олийжаноб вазифасидир. Буни доим эсда сақлаш керак.

9-ГИШТ ЗАВОДЛАРИ БОШҚАРМАСИ

Бошқарма коллективи қолоқлар сафидан мустаҳкам ўрин олган. Ҳар йили планнинг у ёки бу кўрсаткичи уддаланмаяпти. Бу қолоқлик ўнинчи беш йилликнинг охирги йилида ҳам давом этмоқда. Бошқармаининг ўтган икки ойдаги иш якунлари шундан далолат бериб турибди. Реализация ҳажми бўйича шу давр учун белгиланган план 25 минг сўмлик кам бажарилди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқаришда эса камомат 36 минг сўмликни ташкил этди. Ғишт ишлаб чиқариш топшириғи ҳам тўла бажарилмади. Қурилишларга белгиланганига нисбатан 1,4 миллион дона кам етказиб берилди. Бу ўнлаб объектлар қурилишида узилишларга сабаб бўлди.

Бошқарма раҳбарларидан қолоқлик сабабларини сўрасангиз ишчи кучи етишмаслигини рўкач қилиб кўрсатишади. Тўғри, бошқарма доим ишчи кучига эҳтиёж сезмоқда. Шу кунларда ҳам ишчи-хизматчилар сони белгиланганига нисбатан анча кам. Таҳминан 150 киши етишмайди. Бундай аҳвол меҳнат интизоми бўшлиги, ишчи кучи қўнимсизлигини камайтириш билан етарли шуғулланилмаётганлиги натижасидир.

Бошқарма заводларида ишлаб чиқариш маданияти паст. Иш шароитини енгиллаштиришга қаратилган тадбирлар камдан-кам амалга оширилади. Кўп операциялар ва сермеҳнат жараёнлар кўл кучи билан бажарилади. Ишчи-хизматчилар малакасини ошириш, уларга кўшимча касб ўргатиш, социалистик мусобақани пухта йўлга қўйиш, меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш, илғорларни ҳар томонлама рағбатлантиришни такомиллаштириш билан боғлиқ ишлар корхона маъмурияти, жамоат ташкилотлари эътиборидан четда қолмоқда.

Иш вақтини фойдасиз йўқотиш, асбоб-ускуналардан унумли фойдаланмаслик, сменалар алмашаётганда агрегатларнинг тўхтаб қолиши ҳам ишлаб чиқаришга салбий таъсир этмоқда. Ўтган икки ойда асбоб-ускуналарнинг фойдасиз тўхтаб қолиши сал кам 300 соатни ташкил этди. Ваҳоланки, шу вақт ичида юз минглаб пишиқ ғишт ишлаб чиқарилган бўларди.

Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари содир бўлган камчиликларни бартараф этишлари, бунинг учун, аввало, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашлари, ишчи-хизматчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани авж олдиришлари, унинг коллектив фаолиятига ижобий таъсирини янада кучайтиришлари даркор.

СИФАТНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДАН

САМАРАДОРЛИК ва сифат беш йиллигининг сўнгги йилида корхонамиз коллективи ҳар қачонгидан ҳам унумли ишлаб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирларини кўрмоқда. Бу йил 5570 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш. 3050 тонна узун тола ва 2350 тонна калта тола ишлаб чиқариш мажбуриятини олганмиз.

Ана шу юксак мажбуриятни муддатидан илгари адо этиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш қатор тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ. Жумладан, эскирган ускуналарни янгилари билан алмаштириш бу тадбирларнинг энг асосийси. Цехларда «АЛТ» ва «САГ-210 Л-2» маркали машиналарни ўрнатиш мўлжалланган. Бу машиналар аввалгиларига нисбатан анча такомиллашганлиги ва серунумлиги билан фарқ қилади.

Маҳсулотнинг сифатли бўлишига эришиш аввало капон етиштиришдан далалардан бошланади. Хомашё қанчалик сифатли бўлса корхонада ишлаб чиқарилган тола ҳам шунчалик сифатли бўлади. Худди шунинг учун хомашё етказиб берувчи хўжаликлар билан алоқа янада мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир тонна толанинг биринчи сорти 2640 сўм бўлса, иккинчи сорт 2240 сўм баҳода давлатга сотилади. Бир тоннадан — 400 сўм фарқ. Сифатни яхшилашнинг қанчалик фойдасини шу рақамнинг ўзидан кўриш мумкин.

М. ҚУШБЕКОВ,
Ғалаба районидаги Уяли луб заводининг бригадири.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1979 йилда дон, пахта ва бошқа хил деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича план ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги шавқатли меҳнати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган улкан муваффақиятлари учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

«ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Мухатов Тилла — Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз бригада бошлиғи.

Назиров Қонусбой — Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз механиги.

Назиров Собир — Ўзбекистон Компартияси Калинин район комитетининг бўлим мудири.

Насвалиева Шахриниса — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз аъзоси.

Наткачев Иван Николаевич — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг катта ўқитувчиси.

Низометдинова Галина Михайловна — Бўстонлиқ район ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядининг дезинфектори.

Норматов Раҳмонқул — Бўка район ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядининг тракторчиси.

Носиров Абдусамад — Пискент район халқ контроли комитетининг раиси.

Нурбеков Турғунбой Аблакурович — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Нурматов Абдумалик Раҳматиллаевич — Янгиобод шаҳар 2-руда бошқармасининг станокчи дурадгори.

Нурматов Илгиз Зарифович — Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз ҳисобчиси.

Нурхожиев Иброҳим Иноғомович — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози бригада бошлиғи.

Орипбоева Миновар — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Пак Елена — Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Пак Мария — Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Пак Елисей — Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози гидротехниги.

Пак Клим — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози тракторчиси.

Пардаева Бувсадат — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз ишчиси.

Пардабоев Нурмон — Ғалаба районидаги Ленин номли колхоз механизатори.

Парнақулова Шинар — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Першина Раиса Борисовна — Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш Марказий институти Тошкент филиалининг агрохимик-тупроқшуноси, Оржоникидзе райони.

Пўлатов Собит — Тошкент районидаги «Тошкент» совхозининг катта агрономи.

Ражабов Абдималик — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз бригада бошлиғи.

Ражаматов Жўра — Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхозининг автомобиль ҳайдовчиси.

Ражабова Замира — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Рамазонова Баҳри — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Раҳимжонова Дилбар — Бекобод районидаги «Авангард» совхози ишчиси.

Раҳмонова Майсара — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Раҳматхўжаев Аҳмадхўжа — Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз автомобиль ҳайдовчиси.

Рискулов Ўктам — Пискент районидаги «Гулистон» колхози бригада бошлиғи.

Рискулова Меҳри — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Рўзибоева Турдигул — Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Рябченко Анастасия Ивановна — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» Тошкент тажриба ремонт-механика заводининг слесари.

Собирова Райма — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Собирова Соҳиба — Оржоникидзе районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Саидғозиев Тўлқин Муқимович — Тошкент районидаги сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий — текшириш институти экспериментал хўжалиги директори.

Салахова Далила — Тошкент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Салимбеков Жаббор — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози раисининг муовини.

Салимов Мирзамурод — Калинин районидаги теплица қурилиши ва эксплуатацияси комбинатининг ишчиси.

Самадов Мажид — Пискент районидаги «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори.

Сарибоева Раисолат — Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз аъзоси.

Сариева Матлуба — Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Сариқулова Тўхта — Бекобод районидаги «Победа» колхозининг аъзоси.

Сафаров Соат — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.

Сафиуллина Марфуга Аглиуновна — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Соҳибова Матлуба — Пискент районидаги Вахрушев номли совхоз-заводи ишчиси.

Сейдуалиев Нишонбой — Бўстонлиқ районидаги «Ҳўжакент» совхози тракторчиси.

Серкабоев Обитбой — Коммунистик районидаги «Верхний Чирчиқ» совхози ишчиси.

Сотиболдиев Умурзоқ — Бўка районидаги «Ленинобод» колхози сувчиси.

Султонбоева Дориха — Тошкент районидаги «Ленинград» совхози ишчиси.

Султонов Абдахат — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози тракторчиси.

Султонов Мамаёқуб — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Султонов Раҳмон — Тошкент область нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

Тожибоев Раҳмаджон — Халқ депутатлари Янгийўл район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Тожибоев Эгамберди Ҳайдарович — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози сувчиси.

Тожиев Алтой — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози аъзоси.

Тоҳметов Жаҳонгир Абдусаматович — Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Тошбоев Саитмурод — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз бош бухгалтери.

Тен Ольга — Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Тё Иван — Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз бригада бошлиғи.

Тихвинская Надежда Николаевна — Ғалаба районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Товбаев Абдулҳамит Мадалиевич — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози бригада бошлиғи.

Тожибоев Нематжон — Оржоникидзе районидаги Р. Мусамуҳамедов номли совхоз-заводи директори.

Тошбоева Гулсара — Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси.

Тошматова Нафиса — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози аъзоси.

Третьяков Иван Ефимович — Академик Р. Р. Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг тракторчи-машинисти. Оржоникидзе райони.

Тўлегова Гулсум — Чиноз районидаги «Чиноз» насличилик совхоз-техникуми ишчиси.

Тўрақулова Суйдихон Раҳматовна — Калинин районидаги Свердлов номли совхоз ишчиси.

Турғунбоева Малика — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Турдалиева Халима — Калинин район қишлоқ хўжалиги техникаси бўлимининг экономисти.

Турсунбоев Йўлдош — Оржоникидзе районидаги Р. Мусамуҳамедов номли совхоз-заводи ишчиси.

Уккубоев Эркабой Кулетович — Ғалаба районидаги бош пилла қуритиш идорасининг катта агрономи.

Улуғхўжаев Манноб — Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхоз бош агрономи.

Умаров Абдуллажон — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоси.

Умаров Аҳмаджон — Тошкент районидаги Ленин номли колхоз раисининг муовини.

Умарова Карима — Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз аъзоси.

Умарова Чинни — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхози ишчиси.

Умурзоқова Хонимой Алматовна — Тошкент ҳисоб-бухгалтерлик техникуми ўқувчиси.

Урозов Олтмиш Раҳмонбердиевич — Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Ўрунбоев Маҳмуджон Набиевич — Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Усаров Асқар — Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз бригада бошлиғи.

Усейнов Юсуф — Калинин районидаги Гагарин номли совхоз-завод электромонтёри.

Усмонов Абдумалик — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз бригада бошлиғи.

Усмонов Исмон — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз бригада бошлиғи.

Усмонова Мария Аметовна — Чиноз районидаги «Олмазор» совхоз-заводи ишчиси.

Усмонова Муҳаррам — Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Усмонова Санобат — Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Ўтанов Йўлдош — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози механизатори.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг 15, 19, 20, 21, 25, 26, 29 март ва 1 апрель сонларида).



Республика қишлоқ хўжалиги техникумининг сиртқи бўлимида 2 минг ёш йигит-қиз билим олмоқда. Суратда: бўлим мудири А. Абдусаломов практик машғулот ўтказмоқда. С. Икромов фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● СОФИЯ. В. Коларов номли София электромеханика заводи коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда юксак натижаларга эришиш билан кутиб олмоқда. Бу корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг анча қисми Совет Иттифоқига етказиб берилмоқда. Корхона илғорларининг чақиригига биноан бу ерда «СССР учун маҳсулотни сифат гарантияси билан тайёрлаймиз», деган шиор остидаги ташаббус кенг қулоч ёйди. Ленин юбилейи шарафига ўтказиладиган Коммунистик шанбалик кунида пойтахтдаги 1400 га яқин корхонанинг меҳнаткашлари 135 миллион левлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

● ЛОНДОН. Британия оролларида ишсизлар сони тобора кўпаймоқда. «Мэнпауэр» тадқиқот фирмаси Англиядаги 1.525 корхона эгасининг фикрини сўраб чиққанида, улар яқин уч ой мобайнида яна кўплаб ишчиларни ишдан бўшатишларини маълум қилдилар.

Ҳозирги вақтда Англияда ишсизлар армияси сони қарийб 1 миллион кишига етди.

(ТАСС, 31 март).

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

АФҒОНИСТОН ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

КОБУЛ, 31 март. (ТАСС). АДР ички ишлар министрлигининг Кобул телевидениеси орқали эшиттирилган ахборотида Американинг Кобулдаги элчиси Дабс ўлдирилишининг баъзи бир тафсилотлари айтиб ўтилади. Ахборотда, жумладан, бундай дейилади: бир группа «номаълум террорчилар» ҳужуми қурбони бўлган АҚШ элчисининг 1979 йил 14 февралда ҳалок бўлганлиги «сир-асрори» тобора ойдинлашмоқда.

Империалистик доиралар ва АҚШ Марказий разведка бошқармасининг агенти эканлиги рад этиб бўлмайдиган даражада аниқланган Амин тўдасининг жиноий ишларини умумий тафтиш қилиш доирасида АДР ички ишлар министрлиги «Дабс иши» юзасидан қўшимча тергов ўтказмоқда.

Шу нарса аниқландики, тўрт террорчининг ҳаммаси диний ташкилотнинг аъзоси бўлган ва Амин билан унинг югурдаклари мусулмонларни кўплаб асоссиз репрессия қилганлигига қарши чиққанлар. Гувоҳлардан бири айтганидек, ана шу террорчилар «АҚШнинг Кобулдаги элчихонаси Амин билан алоқада эканлигини олишга америкаликларнинг ўзини мажбур этмоқ учун энг сўнгги чораларга ҳам тайёр» бўлишган.

Тергов давомида 14 февралдаги воқеалар яна синчиклаб анализ қилинди. Бунда терговчилар шунга эътиборни жалб қилдиларки, Дабсни озод этиш операциясининг қатнашчилари террорчилар билан уларнинг қурбони жойлашиб олган «Кобул» отелидаги ўша хонани штурм қилишга қатъиян ва астойдил қарши чиқиб, бунинг ҳеч бир ҳожати йўқ, чунки улар қуршаб олинган ва маъмурларга муқаррар таслим бўладилар, деб уқтирдилар. Шунга қарамай, Амин штурмни бошлаш ва «шафқатсиз ҳаракат қилиш» тўғрисида буйруқ берди. Отишма бошланиб кетди, элчи оғир ярадор бўлди. Тез орада террорчиларнинг бири ўлдирилди, бошқа бири эса жароҳатланди, икки террорчи асир олинди. Бироқ, шундан кейинги кунларда улар ғойиб бўлишди. Улар Аминнинг буйруғи билан йўқ қилинганлигига, шу тарика Амин фош бўлишдан беҳатар килиб қўйилганлигига шак-шубҳа йўқ.

ЧИГИТНИ ЕТТИ ИШ КУНИДА ЭКАМИЗ

ЎТГАН йилги жуда мураккаб ва оғир шароит колхозимиз пахтакорлари учун катта сабоқ бўлди. Улар долзарб кунларда шошилиб қолмай, ҳар бир тадбирни шароитга қараб омилкорлик билан бекамкўст бажара бордилар ва кузга келиб мўлжалдагидан ҳам баракали хирмон уйдилар. Она-Ватанга йиллик планда белгиланган 2645 тонна ўрнига 3200 тонна «оқ олтин» ҳадя этилди.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили ҳам биз учун жуда масъулиятли йилдир. Чунки, буюк доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги тантанали нишонланади. КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўрилади. Бу муҳим саналарни муносиб меҳнат ютуқлари билан нишонлаш барча қатори хўжалигимиз пахтакорларининг ҳам шарафли бурчидир. Шунинг учун янги мавсумга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрган ҳолда кириб келмоқдамиз.

Маълумки, куз хирмонининг баракаси чигитни кулай муддатларда сифатли экиш, бир текис ундириб олиш ва кўчатни нормал қалинликда сақлаб қолишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Биз бу муҳим тадбирни ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Область пахтакорлар советининг тавсиялари биз учун асосий кўлланма вазифасини ўтайди.

Колхозимиз мутахассислари, илғор бригада бошлиқлари ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган кекса пахтакорлар билан биргаликда область пахтакорлар советн тавсиясини чуқур ўрганиб чиқдик ва ўзимизнинг шароитимизга мос келадиган конкрет тадбирлар белгилаб олдик. Муҳими шундаки, чигитни тез ва текис униб чиқиши учун ер намини сақлаб қолишга эришиш зарур бўлади. Бу эса экиш олдидан ерларни тайёрлашда боронани сифатли ўтказишга боғлиқдир.

Бороналашни сифатли ўтказишга ҳаракат қилмоқдамиз. 13 та ҳайдов трактори, 6 та гилдиракли трактorга 100 комплекс, яъни жами 300 дона барона тиркалган.

Ерларни экишга тайёрлаш ва унинг сифатини текшириб қабул қилиб олиш учун махсус комиссия тузилган. Хўжалигимиз раиси Хошим Мадалиев бу комиссияга раҳбарлик қилаётир. Ҳар бир картада комиссия аъзосининг рухсатидан сўнггина чигит экишни бошлаймиз.

Бу йил биз барча имкониятларимизни ҳисобга олиб, чигитни етти иш кунида экиб тугатишни планлаштирганмиз. Ҳозир мавжуд 22 та экиш агрегати бригадаларга тақсимлаб қўйилган. Уларнинг ҳар бирига 44 гектардан ер тўғри келади. Демак, чигитни етти кунда экиб бўлиш учун ҳар бир агрегат билан кунига 6 гектар ерга, хўжалик бўйича эса 132 гектар ерга уруғ ташланиши керак.

Экиш даврида техникадан унумли фойдаланиш учун кўчма ремонт устахоналари ташкил этилган. Бу устахоналар механик ва созловчи-слесарлар билан комплектлаштириб қўйилган.

Чигит экиш пайтида бригадалар ўртасида катта тафовут рўй бермаслиги учун ҳамма ерда иш тўғри ташкил этилади, техника воситалари рационал тақсимланади. Уруғ келтириш, ўғит ташиш, гербицидларни тайёрлаш ва заправка қилиш, сув билан таъминлаш ишлари намунали уюштирилади.

Кейинги йилларда биз уруғлик чигитни бир ерда яъни марказлашган усулда тайёрлашни йўлга қўйдик. Бу жуда яхши натижалар берянти. Чунки, мавжуд уруғнинг ҳаммаси бир текис тайёрланади ва ҳар кунги экиладиган уруғ кувватга етказиб берилади. Натижада уруғлик эртаги кунга ортиб қолиб, сифати бузилмайди.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам чигитни гербицидлар билан бирга экишга алоҳида эътибор берамиз. Тупроқнинг ҳолатига қараб гўза 60 сантиметр кенгликда экиладиган майдонларга 1,2 —1,5 килограмм, 90 сантиметр кенгликда экиладиган майдонларга эса 0,9—1,3 килограммдан катаран гербициди сарфланади. Шунда бир гектар майдонга 140—150 литр тайёр суюқлик керак бўлади. Баъзи карталарда прометрин гербицидини қўллаймиз. Прометриднан тайёрланган суюқлик ҳам экиш схемасига қараб сарфланади. Гербицид суюқлиги тайёрлаш учун 4 дона ОВХ-14 аппарати, 3 дона цистерна ва бошқа зарур инвентарлар тайёр турибди.

Мавжуд 960 гектар пахта майдонига экиш учун 12 тонна гуксизлантирилган ва 70 тонна тукли чигит тайёрлаб қўйилган. Тукли чигит экишни тупроқдаги ҳарорат 12-14 даражага, гуксизлантирилган чигитни эса 14—15 даражага етганида бошлаймиз. Уруғ тез ва бир текис униб чиқиши учун 4—5 сантиметр чуқурликка ташланади. Экиш билан бир пайтда суғориш эгатлари ҳам олинади.

Чигит экиш даврида социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдирамиз. Яхши натижага эришаётган экиш экипажлари, бригадалар ва механизаторлар учун кўчма вимпел ҳамда пул мукофотлари таъсис этилган. Колхоз марказида эса мусобақа ғолиблари шарафига «Меҳнат шуҳрати байроғи» кўтарилади.

Ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири карталарда кўчатларнинг зарур қалинликда бўлишидир. Биз хўжалигимиз ерларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, кўчат қалинлигини турли хил қилиб белгилаганмиз. Масалан, сизот сувлари ер юзасига яқин бўлган бригадаларда ҳар гектар майдонда 120-125 минг туп, ер ости сувлари чуқур бўлган карталарда эса 130—140 минг тупгача кўчат қолдирамиз.

Вилт касаллиги ҳосил кушандасидир. Ўтган йили биринчи, тўртинчи ва еттинчи бригадаларнинг айрим карталарида 10—15 процентгача вилт касали тарқалганлиги аниқланди. Бунинг олди олинмаса, бу йил ҳам касаллик авж олиши мумкин. Шу мақсадда ўша карталар гўзапоя қолдиқларидан тўла тозаланди, ҳар гектар ҳисобига 18—20 тоннадан маҳаллий ўғит солиб, чуқур шудгор қилинган. Чунки, гўнг таркибида микроэлементлар кўп бўлганлиги учун бундай майдонлардаги гўзалар вилтга бардош бера оладиган даражада бақувват бўлиб ўсади. Бундан ташқари биз шу карталарга бу йил бошқа навли чигит экишга қарор қилдик. Масалан «Тошкент-1» нави ўрнига «С-47-27» навли чигит экмоқчимиз. Бу ҳам вилт касаллигини олдини олишга ёрдам беради.

Вилт касаллигининг олдини оладиган тадбирлардан яна бири алмашлаб экишдир. Ўтган йили вилт касаллиги тарқалган майдонларга бу йил беда, маккажўхори, полиз ва сабзавот экинлари экилади.

Абдусамад АБДУҚОДИРОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг бош агрономи.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 31 март. (ТАСС). Швейцариянинг Теҳрондаги элчихонаси орқали Эрон раҳбарларига АҚШ президенти Ж. Картернинг мактуби топширилганлиги тўғрисида матбуотда эълон қилинган ҳабарлар Оқ уйни саросимага солиб қўйди. Теҳрон радиосининг эшиттиришида айтиб ўтилганидек, ана шу мактубда Картер АҚШ Эронга нисбатан ўтказган сиёсатида «хатоларга йўл қўйганлигини» тан олган.

Оқ уйнинг расмий вакили Ж. Пауэлл кеча матбуот конференциясида роят чалкаш гапларни айтди. Бир томондан, у ана шундай мактуб топширилганлигини рад этди, иккинчи томондан эса Швейцария ҳукуматининг у АҚШ билан Эрон ўртасида дипломатия йўли билан фикрлашиб олишда воситачилик ролини бажарганлиги ҳақидаги баёноти тўғри эканлигини таъкидлади. «Вашингтон пост» газетаси Оқ уй вакилининг позициясини шарҳлаб, уни «чалгитувчи позиция» деб атайди.

Ваҳоланки, матбуот хабарларига кўра, кейинги икки кун ичида Вашингтон Эрон раҳбарларига камида икки мактуб йўллаган, бунда АҚШ «ўз хатоларини эътироф этишга» тайёр эканлигини билдирибгина қолмай, балки шу мамлакатга нисбатан яна дўқ-пўписалар қилди.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг Теҳрондаги мухбири бугун қуйидагиларни ёзади: «Якшанба куни президент Банисадр президент Картердан мактуб олди, бу мактуб дўқ-пўписа руҳида ёзилган мактуб деб баҳоланмоқда. Гарчи Банисадр тафсилотларни маълум қилмаган бўлса-да, бу мактубда агар Эрон гаровга олинган америкаликларни озод қилиш чораларини кўрмаган тақдирда Қўшма Штатлар муайян ишларни қилиши тўғрисида огоҳлантирилган, деб ҳисобламоқдалар». Автор Банисадрнинг яқин ёрдамчиси сўзларига асосланиб, Банисадрнинг, Америка мактуби Эронга қўйилган ультиматумдир деган гапини келтиради.

Шу газетанинг Вашингтондаги мухбири таъкидлаб ёзадики, АҚШ ўзининг Ғарбдаги иттифоқчилари билан биргаликда «Эронга тазйиқ ўтказиш ва уни гаровга олинган кишиларни озод қилиш чораларини кўришга мажбур этиш мақсадида дипломатия йўли билан зўр куч-ғайрат сарфламоқда. Акс ҳолда Эрон яна иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйилади».

Маъмурият, деб давом қилади мухбир, Эронга нисбатан репрессия чораларини кўришга, «шу жумладан савдо-сотиқни таъминлаш ва дипломатия вакилларини кампайтириш»га мойиллик қилмоқда.

ТЕҲРОН, 31 март. (ТАСС). Ислом революцион кенгаши АҚШ президенти Картернинг Эрон раҳбарларига Швейцариянинг Теҳрондаги элчихонаси орқали йўллаган мактубининг мазмунини муҳокама қилди. Эрон ташқи ишлар министри С. Қутбзода кенгашнинг мажлиси тугагандан кейин журналистларга берган баёнотида «мактубнинг ҳақиқийлигига заррача ҳам шубҳа йўқ», деб таъкидлади.

Эрон президенти А. Банисадр ҳам Картернинг мактубини олганлигини маълум қилди. Бу мактубда Эрон ҳукумати гаровга олинган америкаликларга нисбатан «илгари берган қандайдир ваъдаларини» бузганлиги муносабати билан таъналар қилинган. Банисадр Америка президентига йўллаган жавобида Эрон ўз манфаатларини эътиборга олади ва ана шу манфаатларга мувофиқ иш кўради, деб уқтирди. Бундан ташқари, Эрон ҳукумати Америка томонига гаровга олинган кишилар хусусида ҳеч қандай ваъдалар берган эмас. Бироқ, АҚШ президентининг бизга мурожаат этганлиги фактининг ўзи ,деб илова қилди Банисадр, бизнинг ҳақ эканлигимизни тасдиқлайди.

БЕРН, 31 март. (ТАСС). Швейцария федерал департаментининг матбуот атташеси президент Картернинг мактуби Эрон президенти А. Банисадрга Швейцариянинг дипломатия каналлари орқали топширилганлигини журналистларга маълум қилди. Мактубда Эрон-Америка можаросини бартараф этиш шартлари баён этилган.

● **ПОЛЬША Халқ Республикаси. Пулава шаҳридаги қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти мутахассислари иссиқлик электр-станцияларидан чиққан кулнинг теплицадаги тупроқни бойитишдаги имкониятларини ўрганмоқдалар. Олимлар аниқлашича, ана шундай кулда ўсимликларнинг янада тезроқ ўсишига кўмаклашувчи кўпгина микроэлементлар мавжуддир. Суратда: институт теплицаларидан бирида.**

ЦАФ — ТАСС фотоси. ●





Юракларни шод этар раққоса ҳиром айлаб,
Ҳаётга шайдо дилни санъатга ром айлаб.
Руҳинг ҳам равшан тортар, кўнгилдан кетгай ғубор —
Ором бағишлар дилга бир бора салом айлаб...

А. Тўраев фотоэтюди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ТОЛИҚИШНИНГ САБАБИ НИМАДАН?

Ўлкамизда баҳор бошланди. Бу фаслнинг киши соғлиғи билан боғлиқ бўлган ўзига хос томонлари ҳам бор. Бу, кўп жиҳатдан, организмнинг толиқиши билан узвий боғлиқдир. Баҳорда кишилар бош айланишидан, тез ҳолсизланишдан, иштаҳа бузилишидан нолийдилар. Асаб бузилиши ҳам содир бўлиши мумкин. Меҳнат қобилияти маълум даражада сусаяди.

Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида табиат ўзгариши инсон соғлигига ўз таъсирини кўрсатади, деб, бундай ёзган эди: «Билгинки, йилнинг ҳар бир фасли кириб келишида ҳавонинг ўзгариши касалликнинг қандайдир турини туғдиради. Буни, яъни ҳар бир фаслнинг ўзгарувчанлигини табиб яхши билмоғи даркор ва уларнинг эҳтиёткорлик чораларини ва тартибини билим асосида кўрмоғи шарт».

Баҳор дастурхонида нознеъматлар орасида ҳўл мевалар, қовун-тарвузлар, аччиқ-чучуклар йўқ, албатта. Организмда ёзда тўпланган фойдали озуқалар қиш бўйи ўз кучини йўқотади. Қишда сувда чўмилишнинг, кўчада юришнинг ҳам иложи бўлмайди.

Қишдан баҳорга ўтиш даврида ҳаво босимининг ўзгарувчанлиги кескин сезилиб қолади. Организмда қон босими ўзгаради. Бу эса эски касалларни қўзғатиши мумкин. Шу билан бирга организмда ёғ, қанд, дори-дармон (витаминларга)га талаб ортади. Витаминлар юксак биологик активлик хусусиятига эгадир. Витаминлар меҳнат қобилиятини тиклаб, ҳар хил касалликларнинг олдини олиб, киши қувватини оширади.

Инсон витаминларни асосан ўсимлик озуқаларидан олади. Инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатларида «А» витамини етишмаса, у шапкўрликни пайдо қилади. Бу хил витамин асосан кўк пиёз, карам, помидор, абрикос, туршак таркибида кўп бўлади.

«В» группасидаги витаминларнинг етишмаслиги асаб системаси касалликларини туғдиради, қон таркибини камайтиради. Бу витамин сабзи, карам, бақлажон, лавлаги, апельсин, узум, помидор ва дуккакли ўсимликларда учрайди. «С» витаминнинг етишмаслигидан цинга касаллиги келиб чиқади. Бунинг олдини олиш учун олма, қора смородина, наъматак, саримсоқ пиёз, пиёз ва ёнғоқни истеъмол қилиб туриш лозим. Болалардаги рахит касаллигига «Д» витаминнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Бу хил витамин бақлажонда кўп бўлади. Шу ўринда «К», «Р» каби витаминларнинг фойдасини ҳам эслатиб туриш керак.

Кўриниб турибдики, баҳорда толиқишнинг содир бўлиши қатор факторларга боғлиқдир. Шунинг учун сервитаминли таомлар истеъмол қилиш, сабзавотларни тановул этиш фойдадан ҳоли эмас.

С. ВАЛИЕВА,
Тошкентдаги 14-поликлиниканинг врачи.

«НАВБАҲОР»ДА ҲАМИША БАҲОР

«НАВБАҲОР» деб номланган бу санаторий-профилакторий фойдаланишга топширилганига эндигина уч йилдан ошди. Лекин, шу қисқа давр ичида у Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти ишчи ва хизматчиларнинг севимли ҳордиқ ва шифо маскани бўлиб қолди. Ҳозиргача «Навбаҳор» да 1700 дан ортиқ киши даволаниб, дам олди.

Нашриёт ишчи ва хизматчилари ўзларига кўрсатилаётган ҳар томонлама ғамхўрликдан руҳланиб, ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам оширib бажаряптилар. Корхона цехларида социалистик мусобақанинг тўғри ташкил этилиб, кенг авж олдирилганлиги муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг тўртинчи йили плани барча техник иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 21 декабрда бажарилди. Социалистик мажбурият ҳам шараф билан адо этилиб, пландагига қўшимча 310 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 1,9 процент, соф фойда олиш 6 процент ортди. Ўтган йилнинг ўзида маҳсус ишлаб чиқариш ҳажми 20,7 процент ошди.

Нашриёт коллективи ўтган йил якунлари бўйича социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди.

«Халқ соғлиғи — юрт бойлиги». Доҳий В. И. Ленининг меҳнаткаш инсонга ғамхўрликнинг теран мазмунли ифодаси бўлган бу доно ибораси «Навбаҳор»нинг эшигидан киришингиз билан кўзга ташланади. Дарҳақиқат, коллектив кишиларининг саломатлиги шу коллективнинг бойлиги, меҳнат муваффақиятларига эришувининг асосий омилларидан биридир.

«Навбаҳор» санаторий-профилакторийси худди мана шу шарафли вазифани ўтаяпти.

Бу даргоҳга киришингиз билан сизни тувакдаги ва яшиклардаги кўм-кўк гуллар, гул-дарахтлар ўз оғушига олади. Сизни яшиллик ўзининг ёқимли қучоғидан чиқариб юбормайди. Ҳар қадамда ё деворларга чирмашган, ё дарахт бўлиб шифтга тегиб турган яшиликка — баҳорга дуч келасиз. «Навбаҳор»да қаҳратон қишда ҳам, жазирама ёзда ҳам фақат баҳор ҳукмрон...

Санаторий-профилакторийда ҳар бир ишчи ёки хизматчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда асаб, юрак-қон томир, ошқозон-ичак, жигар-ўт йўли, ревматизм касалликларини даволаш мумкин. Ёки, истаган одам меҳнат отпуск-касида бу ерда ҳам ҳордиқ чиқариб, ҳам профилактик даво усуллари билан саломатлигини мустаҳкамлай олади. Ҳар бири икки ўринли шинам ва озода палаталар сокин, дам олиш учун ҳам жуда қулай. Электрофизиотерапия, электр-нур билан даволаш, ультратовуш, гидроэрионотерапия, парафин-озокерит, сув билан даволаш кабинетлари замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ташқарида ўн беш даража совуқ бўлганида ҳам ойнаванд томли ҳавзада бемалол сузиб, саломатликни мустаҳкамлаш мумкин.

Санаторий типидаги «Ласточка» пионер лагери «Навбаҳор»нинг ёнбошида жойлашган. Санаторий профилакторий шифокорлари ҳар йили ёзги каникулда пионер лагерига келган болаларнинг даволанишга муҳтожларини шифолашяпти. Мавсумда 300 бола даволанмоқда.

Врач Роза Анверовна Рафикова, катта медицина ҳамшираси Тўхтапўлат Бобоева, ҳамшираллар Нуриниса Сидиқова, Хайри Тўлаганова, ошпаз Любовь Рябова, официант Болтагул Тўйчиева, санитаркалар Лидия Улжабоева, Анзират Сотиловалар сидқидил меҳнати, хуш муомаласи билан бу ерга ташриф буюрувчи ишчи ва хизматчиларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлишмоқда. Худди шундай илиқ гаплар билимдон шифокор, моҳир ташкилотчи бош врач Камол Акрамов номига айтилганини ҳам кўп эшитасиз бу ерда.

Ҳозир бош корпус ёнида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

— Бу ерда яна 25 ўринли қўшимча корпус қурилмоқда, — дейди бош врач К. Акрамов,— асосий корпус йўлак орқали туташадиган бу янги бинода физкультура зали, клуб ва биллиардхона ҳам бўлади. Уни шу йилнинг охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Ишчи Р. Халиловнинг таклиф ва мулоҳазалар китобига ёзиб қолдирган таассуроти бош врачнинг яхши ниятларини тасдиқлагандек туюлади: «Ҳурматли шифокорлар! Мен Иттифоқимиздаги барча марказий санаторийларда дам олиб, даволаниб юрганман — жигарим оғрийди. Мен «Навбаҳор»га келиб Тошкентнинг ёнбошида, бунинг устига ўзимнинг нашриётга қарашли шундай ажойиб санаторий бор эканлигидан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Шинам, кўркам, озода ва ораста. Барча даволаш кабинетлари яхши ишлаб турибди. «Навбаҳор» коллективига ҳам, уни бунёдга келтирган нашриётимиз маъмуриятига ҳам астойдил миннатдорлигимни билдираман!»

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ЯХШИ ДАМ—МЕҲНАТГА ҲАМДАМ



Коммунист Шукур Ғаниев ўн йилдан бери Тошкент чинни заводида меҳнат қилиб келади. Бу илғор ишчи кундалик топшириғини 120—130 процент уддалаши билан бирга, кўплаб ёшларга устозлик ҳам қилмоқда. Суратда: Ш. Ғаниев иш устида.

Р. Альбеков фотоси.

ШАРҚ ТИЛЛАРИДА

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ёзувчиларининг энг яхши асарларидан бир нечтаси шарқ халқлари тилларида босилиб чиқди. Китобхонларнинг севимли адиби Мухтор Авезовнинг машҳур «Абай» эпопеяси ўтган йили урду тилида чоп этилди.

Бу асарнинг ҳинд тилидаги нашри ҳам тайёрланди. «Прогресс» нашриётининг Тошкент бўлими томонидан амалга оширилаётган бу ижодий иш яқин орада ниҳоясига етказилади.

Таниқли ёзувчи Асқад Мухторнинг «Чинор» романини ҳам ҳинд тилида босиб чиқаришни нашриёт планлаштириб қўйди.

А. АКМАЛОВ.

Убайдулла РАҲИМОВ

Ўзбекистон ҚП Тошкент область комитетининг собиқ масъул ходими, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1940 йилдан КПСС аъзоси Убайдулла Раҳимов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди.

У. Раҳимов 1916 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1934 йилда ФЗУ мактабини тамомлагач, Октябрь революцияси номли заводда токарь бўлиб ишлай бошлади. 1941 йилда партия ишларига кўтарилди. 1941 йилнинг декабридан 1943 йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди.

Совет Армияси сафидан бўшагач, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кадрлар бўлими инструктори, Октябрь район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими инструктори, СССР йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводи касаба союз комитетининг раиси, Тошкент темирйўл бошқармаси сиёсий бўлими инструктори бўлиб ишлади.

1952 йилда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабининг сиртқи бўлимини тугатгач, Бекобод шаҳар партия комитетининг иккинчи секретарлигига сайланди. Кейинроқ Тошкент область партия комитети партия органлари бўлими мудирининг ўринбосари, Янгиобод район партия комитетининг иккинчи секретари, «Ташгранмаш» заводи партия ташкилотининг секретари, Тошкент шаҳар ижроия комитети саноат бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади.

У. Раҳимов 1963 йилдан то 1979 йилгача Ўзбекистон КП Тошкент область комитети аппаратида масъул вазифани бажарди.

У. Раҳимов катта меҳнат ва ҳаёт йўлини босиб ўтди. У қайси участкада меҳнат қилмасин, катта ташкилотчилик қобилиятини намойиш этди, ўзига ва бошқаларга нисбатан принципиал ва талабчан бўлди, кишиларга эътибор билан қаради. У билан бирга ишлаганлар ва таниганлар ленинчи коммунист сифатидаги фазилатларини қадрлардилар.

У. Раҳимовнинг фидокорона меҳнати юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

У. Раҳимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.


Бир группа ўртоқлари.

Реклама ва эълонлар

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

3—20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ ТОМОШАЛАРИ



ҚАТНАШАДИЛАР:

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ СОЛИСТЛАРИ:

XI Олимпиада ўйинлари чемпиони, Жаҳон ва Европа биринчиликларининг тўрт марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Алексей УЛАНОВ.

XI Олимпиада ўйинларининг кумуш медали совриндори ва жаҳон, Европа биринчиликларининг беш марта кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги спорт мастери

Людмила СМИРНОВА.

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар:

Лариса ЛИТВИНЕНКО ва Ирина ФИЛИППОВА

Томошалар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари спектакль тугашига шаҳар транспортининг ҳамма турлари спорт зали олдига томошабинларни ташиш учун берилади.

Билетлар спорт зали, Свердлов номли концерт зали ва бошқа театрларнинг кассаларида, ҳамда район кассирлари томонидан сотилади.

46-07-52, 46-03-12 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар:

Фахриддин УМАРОВ

Абдуқодир ЮСУПОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Гулюра ОДИЛОВА, Гулнора АЪЗАМОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ханифа ОРТИҚБОЕВА олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Спорт

СУЗИШ. «Комсомольская правда» газетаси соврини учун Харьковда ўтказилаётган Бутуниттифоқ мусобақаларида тошкентлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди. Дастлабки куни Елена Холманская 100 метрли масофага баттерфляй усулида сузиб маррага биринчи етиб келди. У бу масофа учун 1 минуту 07,03 секунд вақт сарфлади.

4х100 метрга эстафетали сузишда ҳам тошкентлик спортчилардан ташкил топган аёллар командаси биринчи ўринни эгаллади. Улар жами масофани 4 минут 32,7 секундда босиб ўтдилар. Юксак маҳорат кўрсатган Елена Холманская, Валентина Озеряная, Лариса Белакон, Марина Клиналар ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилишди.

БОКС. Градно шаҳрида ўсмирлар ўртасида бокс бўйича СССР биринчилиги бўйлаб ўтди. Мусобақа нишондорлари орасида республикамиз вакиллари ҳам бор. Жумладан, тошкентлик Владимир Шевченко 75 килограммгача вазндилар орасида кумуш медалли бўлди. Оғир вазнли андижонлик боксчи Анатолий Пантаков бронза медалини олди.

КАМОНДАН ОТИШ. Мерганларнинг Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган очиқ мусобақаларида республикамиз вакиллари билан бирга Улан-удэ шаҳри ва Монголия Халқ Республикаси спортчилари иштирок этдилар. Умумкоманда ҳисобида Улан-удэнинг «Спартак» вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. Тошкентлик армиячилар иккинчи, «Меҳнат резервлари» мерганлари учинчи бўлдилар.

Халқаро классли спорт мастери тошкентлик Ольга Рогова 2548 очко тўплаб, шахсий биринчиликда голиб бўлди. Эркаклар ўртасида республика кубоги Улан-удэлик спортчи Эрдем Санжиевга насиб этди.

КИНО

ЙИЛЛАР ҲИКОЯСИ

Кино ихлосмандлари СССР халқ артисти, тажрибали режиссёр Йўлдош Аъзамовни турли мавзуларда яратилган фильмларнинг ижодкори сифатида яхши биладилар. Режиссёр яқинда янги мавзуга қўл урди. «Улкан ва қисқа ҳаёт» деб номланган бу асарни моҳир операторлардан М. Пенсон ва Э. Аъзамовлар суратга олишади. Фильм сценарийси К. Ерматов ва М. Мелкумовлар қаламига мансубдир. Музикаларни композитор Р. Вильданов басталамоқда. Декорация эскизларини эса рассом Б. Назаров чизаётир.

— Дастлаб бу фильмга машҳур кинорежиссёр, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Ерматов қўл урган эди,— дейди режиссёр Йўлдош Аъзамов.— Улкан санъат фидойиси фильмни «Биринчи президент» деб номлаган бўлиб, ўз режаларини амалга ошира олмай қолди. Мен яхши ният билан дўстим ҳам устозимнинг хотираси учун мазкур фильмни яратишни ўз бурчим деб биламан.

Тарихий мавзуга бағишланган бадиий фильм республикамизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш давридан то иккинчи жаҳон уруши охирларигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Картинанинг асосий қаҳрамонлари республикамизнинг сиёсий арбоблари — Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов ва бошқалардир. Шунингдек, кинолентада Алексей Толстой, Ғафур Ғулом каби адибларнинг образлари ҳам ўзининг бадиий ифодасини топади. Экранда Катта Фарғона канали қурувчиларининг қаҳрамонона жасорати, ўзбек халқи фарзандларининг Улуғ Ватан урушидаги фаол иштироклари акс эттирилади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

КЎКЛАМ ТАОМЛАРИ

ТАБИАТ уйғониб, кирадирлар ям-яшил либосга бурканди. Дарахтлар куртак чиқариб, ариқ-зовурлар бўйида ўсадиган хушбўй ва сервитамин яшил, отқулоқ, момоқаймоқ, исмалоқ, жағжағ, шунингдек, укроп, петрушка, кашнич, шавель, кўк пиёз, лотук, саримсоқ пиёз, редиска ва бошқа кўкатлар майсаси ер бетини қоплади. Айниқ шу кунларда қиш бўйи фойдали моддаларга интиқ бўлган инсон организми учун бу кўкатларни истеъмол қилиш жуда фойдалидир. Улар сарфланган моддалар ўрнини қоплайди, инсон саломатлигини тиклашда катта роль ўйнайди.

Баҳор кўкатларидан турли хил лаззатли таомлар тайёрлаш мумкин. Айниқса, уларни тушлик ва кечки овқатларга соф ҳолда тўғраб, шалатилиши қони фойдадир. Кўкатлардан тайёрланган салатлар, кўк сомса, кўк чучвара, кўкатли суюқ ош, кўк патир, кўк мантн ва бошқалар жуда хушхўр бўлади.

Соф ҳолда кўкатларни истеъмол қилиш учун укроп, петрушка, саримсоқ пиёз, кўк пиёз, кашнич ва лотук яхшилаб ювилади. Илдизларидан тозаланиб, ликопчаларга ҳар бирини алоҳида-алоҳида жойлаштирилади. Сўнг бироз туз ва муруч сепилади.

ЁНҒОҚЛИ ШАВЕЛЬ САЛАТИ. Бу таомни тайёрлаш учун шавелни яхшилаб ювиб, намакобда қайнатилади. Совуганидан сўнг эса, пичоқ ёки кичик чопқи билан майдалаб тўғралади. Ёнғоқ мағзини ажратиб, бироз туз сепилган ҳолда эзилади. Унга сут, майдаланган оқ пиёз ва кашнич қўшиб, шавель билан аралаштирилади. Шундан сўнг тайёр бўлган аралашма ликопчаларда дастурхонга тортилади.

Олти кишига бундай салат тайёрлаш учун 600 грамм шавель, 150 грамм оқ пиёз, 150 грамм сут, 20 дона ёнғоқ, 20 грамм кашнич ва ҳар кимнинг таъбига қараб туз ва муруч керак бўлади.

НАВРЎЗ САЛАТИни тайёрлаш учун кўк пиёз, редиска, лотук яхшилаб ювилиб, майдалаб тўғралади. Улар аралаштирилиб, туз солинади. Сўнгра пишлоқ қирғичдан ўтказилиб, устидан майдаланган пишган тухум сепилади ва бу ҳам аввалги аралашмага қўшилади. Қориштириш вақтида масаллиққа оз-оздан қаймоқ қуйиб туриш лозим. Таом тайёр бўлгандан сўнг устига кўкатлар сепиб, дастурхонга тортилади.

Олти кишилик салат тайёрлаш учун 120 грамм кўк пиёз, 260 грамм редиска, 60 грамм лотук, 120 грамм пишлоқ, 3 дона тухум, 90 грамм қаймоқ, туз ҳамда муруч сарфланади.

КЎК СОМСА пиширish учун ялпиз, жағжағ, отқулоқ ва кўк пиёзни ювиб, яхшилаб тўғралади. Сўнгра унга қўй ёғи кубикчалар шаклида тўғраб солинади. Аралаштирилган масаллиққа ҳар кимнинг таъбига қараб туз ва муруч сепилади.

Сомса ёпиш учун шаҳримиздаги ярим тайёр маҳсулотлар магазинларидан ҳамир сотиб олсангиз вақтингиз тежалади. Ундан майдакичик зувалачалар ясаб, ёйилади. Ёймага кўк қийма солиб учбурчак шаклида тугилади ва газ печларида ёки тандирда пиширилади.

6 киши учун кўк сомса тайёрлашда 150 грамм ялпиз, 100 граммдан жағ-жағ, отқулоқ ва кўк пиёз, 120 грамм ёғлиқ гўшт, 360 грамм ҳамир, туз, муруч ва қаламшир солинади.

КЎК ПАТИР ёпиш учун ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, момоқаймоқ ва бошқа кўкатлар яхшилаб ювилади. Сўнг уларни қиймалаб, қориштирилади. Туз сепиб, косага солинади ва унинг юзаси баробарида иссиқ сув қуйиб, 2-3 соат сақланади. Бу вақт ўтгач, қийманинг суви сузиб олинади. Кўкат эса ёғда қовурилиб, сели чиққач, сузиб олинган қийма сувига аралаштирилади. Аралашмага эса ҳамиртуруш солиниб, хамир қорилади. Хамир ошгач, 300 граммли зувалачаларга бўлинади ва қалинлиги 1-1,5 сантиметр келадиган патирлар ясаб, тандирда ёки газ духовкасида пиширилади.

Бундай патир тайёрлаш учун 600 грамм ун, 1 стакан кўк сув, 25 грамм хамиртуриш, 1 чой қошиқда туз, талабга кўра ёғ керак бўлади.

«Гулистон» ресторанида ярим тайёр маҳсулотлар билан савдо қилувчи магазин мавжуд бўлиб, унда юқорида санаб ўтилган кўк таомлар учун ишлатиладиган оширишган хамир, шакарли хамир, қат-қат хамир, ош хамир ва бошқа масаллиқлар сотиб олиш мумкин.

Ш. СОЛИҲОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.25 — Саросонлик-саргардонликда. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 16.10 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 16.55 — Концерт. 17.30 —Чанги спорти. 18.05 — Горничлар қаердасиз! 18.35 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Совет композиторлари асарларидан концерт. 20.05 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 20.20 — Саросонлик-саргардонликда. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Венгрия озод этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган СССРда Венгрия маданияти кунларининг очилиши. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Тўрт танчи ва ит. Бадиий фильм. 5-серия. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 19.00 — Турмуш ва маданият. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Оқ йўл сенга, «Пахтакор!». 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чигитни тез ва соз экайлик. 22.15 — Ленин Октябрда. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.05 —Назарий механика. 22.05 — Социалистик мусобақа пешқадамлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/IV да Келинлар қўзголони, 3/IV да Ганг дарёсининг қизи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/IV да Гулбаҳор қани, 3/IV да Она қизим.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да Ишқ қурбонлари (19.00).

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети аппарати коллективи область партия комитети аппаратининг собиқ масъул ходими

Убайдулла РАҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг раҳбарлиги ва партия ташкилоти собиқ бўлим бошлиғи, истеъфодаги милиция полковниги

Василий Мартиянович ЧАПРАСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01889. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1574. 3